

2020 йил 2-март № - 01 X

**Ижобий фикр билдирилган
АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ**

“Xonqa don maxsulotlari” АЖ га

Аудиторлик ташкилотининг почта манзили:
Аудиторлик фаолиятири амалга ошириш
учун лицензия номери:
Давлат рўйхатидан ўтганлиги
тўғрисида гувоҳнома:
Банк рекевизитлари:

Тошкент шаҳар А. Темур кўчаси 25-йў, info@uhy-uz.com

№ 00813. Ўз.Р АВ томонидан 12 апрел 2019 йилда берилган

№ 243. Ўз.Р АВ томонидан 9 январь 2013 йилда берилган
Х/Р 20 208 000 704 336 155 001 АИКБ “Ипак йўли” Сағбон
фидали. МФО 01036, ИНН 205 082 658, ОКЭД 69 202
Каримов Сарвархон Эсонович.

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

Мен, “UHY Tashkent” Аудиторлик ташкилоти аудитори Х. Р. Ибрагимов (Ўз. Р АВ томонидан 2016 йил 29 октябрда берилган № 05428-сонли малака сертификатига эга) томонидан 2020 йил 20 февралда тузилган 1-сонли шартномага асосан хўжалик юритувчи субъект **“Xonqa don maxsulotlari”** Акциядорлик Жамиятининг 2019 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботининг (Бухгалтерия баланси, Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи) ишончлиги мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилди.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботининг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги, ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз **“Xonqa don maxsulotlari”** АЖ нинг илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуни ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат.

Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади.

Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазаларимизнинг предмети ҳисобланади.

Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча **“Xonqa don maxsulotlari”** АЖ нинг 2019 йил 31 декабр ҳолатига молиявий ҳисоботлари барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молия-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний акс эттиради ва “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги қонуни ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

Аудиторлик ташкилоти директори :

Аудитор :



Каримов С. Э.

Ибрагимов Х. Р.